

БИР ЁШДА БҮЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР ҮПКАИЧИ БРОНХЛАРИ ДЕВОРЛАРИ МОРФОЛОГИЯСИННИГ МОРФОМЕТРИК КҮРСАТКИЧЛАРИНИ ҮРГАНИШ

¹Содиқова Зумрат Шавкатовна,
²Камолова Гулирано Баҳридин қизи,
³Юсупова Шахноза Абдукарим қизи,
⁴Султонов Равшан Комилжонович.

^{1,2,3,4}Тошкент тиббиёт академияси,
Одам анатомияси ва ОХТА кафедраси.
e-mail: ravshan.sultan1987@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7446754>

ARTICLE INFO

Received: 06th December 2022
Accepted: 15th December 2022
Online: 16th December 2022

KEY WORDS

Чақалоқ, бронх дарахти, морфометрия, диаметр, үпка, постнатал онтогенез.

ABSTRACT

Үшбу мақолада бир ёшда бўлган чақалоқларнинг үпка ичи бронх дарахти морфометрик ва умумгистологик тахлили олиб борилган. Бутун дунёда эрта неонатал үлим кўрсаткичи глобал муаммо бўлиб ҳисобланади, айниқса бир ёшгача бўлган чақалоқларда нафас аъзоларининг касалликлари сабабли үлим кўрсаткичи жуда кўп учрайди. Шу боисдан, бир ёшгача бўлган чақалоқлар үпка ичи бронх деворларини морфометрик ва умумгистологик тузилишиларини үрганиш нафақат патанатомлар балки даволовчи шифокорларга диагностика ва эрта касалликни олдини олишга самарали ёрдам беради.

Пренатал тиббиёт соҳасидаги жадал ривожланиш ҳомила ва чақалоқларнинг нафас тизим органларида турли трахеобронхиал аралашувлар сонини ортишига олиб келди. Респиратор тизимнинг органогенези қонуниятларини үрганиш туғма нуқсонлар этиопатогенезини, ва унинг тузилмавий компонентларни тузилиш вариантларини юзага келиш сабабларини яхши тушунишга имкон беради. Ўпкалар ва юқори нафас йўллари органогенезининг ўзига хосликлари тўғрисидаги мукаммал маълумотлар, торакал жарроҳлик ва пульманологияда туғма ва ортирилган патологияларни олдини олиш, ташхислаш ва даволашни янги

усулларини ишлаб чиқариш ва мавжудларини такомиллаштиришга олиб келади.[1]

USAning Стэнфорд университети муаллифлари (Treutlein B, Brownfield DG, Wu AR.2014йил) Сут эмизувчиларнинг үпкаси кучли тармоқланган тўрдан ташкил топган бўлиб, ундаги бронхиал дарахтнинг дистал соҳаси ривожланиш жараёнида газ алмашинувини амалга оширувчи альвеоляр ҳаволи қопчаларнинг кўпайиши билан тавсифланади [3].

Бола туғилиш вақтида нафас йўлининг респиратор қисм ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлиб: альвеолалар кам, уларнинг девори катта ёшлиларнинг альвеола деворидан қалин, ўзида жуда



кам эластик толаларни сақлайди. Нафас олиш бошланиши билан респиратор бронхиолалар узайишни бошлайди, уларнинг деворида янги альвеолалар хосил бўлади. Олдин шаклланган алвеолаларнинг ўлчамлари ортади, уларнинг деворидан тўсиқлар ўсиб чиқади, улар эса бўшлиқни қисмларга ажратади-янги альвеолалар хосил бўлади. Энг фаол алвеолагенез бола ҳаётининг дастлабки 18 ойида кечади, янги альвеолаларнинг хосил бўлиши 5 ёшгача давом этади. Альвеолаларни тўғри шакланиши тўлақонли сурфактант тизими мавжудлигида, микроциркулятор оқимнинг ва шаклланган эластик толаларни фаол ривожланишидан юзага келади. Ўпкадаги эластик тузилмани тўлиқ ривожланиши фақат 18 ёшга келиб якунланади.[4-5]

Сўнгги йилларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси сезиларли даражада ошди ва буни тасдиқловчи кўплаб далиллар мавжуд майда заарловчи заррачалар таъсирида нафас олишни салбий оқибатларига олиб келиши мумкин. Екологик таъсирнинг соғлиқга таъсири пренатал даврда ҳавонинг ифлосланишига, айниқса ўпка бронх органогенезига таъсир қилиши мумкин. [6-7-8].

Юқоридаги адабиётлардаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бир ёшгача бўлган болаларда бронх дараҳтининг морфологик ва

морфометрик
ўрганилмаган.

Тадқиқот мақсад: Бир ёшда бўлган чақалоқлар ўпкаиchi бронхлари деворлари морфологиясининг морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш ва тахлилини олиб бориш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Текширув Республика паталогик анатомия марказида 2020-2022 йил келган бир ёш бўлган чақалоқлар мурдаси устида олиб борилди. Ўлган болаларда ўпка бронх йўлларида касалликлари бўлмаган асосан юрак түфма нуқсонлари ва бошқа сабаблар натижасида вафот этган болалар мурдасида ўрганилди. Ўлим сабаблари ва асосий касаллик патологик анатомия хуносаларида аниқланган.


Текширув учун материаллари ўпканинг қуйидаги қисмларида олинди:
1.-Ўнг ва чап ўпка экстрапулмонар бронхларидан,
2.- Ўнг ва чап ўпка ичи бронхларини бўлак бронхларидан терминал бронхларигача очиб ўрганилди. Тадқиқотимизда инструментал (штанген циркуль ёрдамида), умумгистологик ва гистокимёвий усуллари қўланилди. Олинган материаллар формалинга солиб қуйилди ва кейинчалик 3-5 мкм кесмалар таёrlанди. Уларни гемотоксилин-эозин, Шик, Ван-гизон усуллари билан бўялди.




5-расм. 12 ойлик чақалоқнинг бронхиолалар электрон штангенциркул ёрдамида ўлчамини олиш.

Тадқиқот натижалари: Чақалоқлар 12 ойлик даврда ўпка бўлаклари бош бронхлари девори микроскопик даражада ўрганилганда қуидаги маълумотлар олинди. Олдинги ёш даврларига қараганда бронх шиллиқ пардаси қопловчи эпителийси бир қаватли цилиндрик эпителий билан қопланганлиги юзасида бурмалар йўқолганлиги, қопловчи эпителий ҳар жой, ҳар жойида эпителийнинг

чуқурлашган ўчоқлари борлиги аниқланди. Бу соҳалардаги қопловчи эпителий нисбатан паст бўйли ва цитоплазмаси вакуоллашган ҳолатдалиги топилди. Базал мембрanasи остидаги бириктирувчи тўқимали хусусий пластинка билан кўшилиб кетиб, нисбатан қалин қатламни пайдо қилганлиги аниқланди (2-расм)



2-расм. 12 ойлик давр. Ўпка бўлаклари бош бронхи, тоғай халқаси зич(1), безлари нисбатан кўп(2), хусусий пластинка юпقا(3). Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.




3-расм. Бўлакчаичи бронхиола, 6 ойлик давр. Хусусий пластинка(1) ва шиллиқ ости қаватда(2) толалар миқдори қўпайган. Бўёқ: ван-Гизон усули. Кат: 10x40.



12 ойлик чақалоқлар ўпка бўлакчаичи бронхиолани микроскопик жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатдики, ушбу бронхиолалар ўпка тўқимаси сегментлари орасида жойлашганлиги кузатилди. Бронхиолалар девори тоғай халқалари бронхларга нисбатан фарқ қилиб, асосан алоҳида-алоҳида жойлашган катта ва кичик бўлаклардан иборатлиги кузатилди. Тоғай тўқимаси таркиби бунда ҳам кўп ва майда хондроцитлардан иборат, оралиқ моддаси нисбатан зич ва тўқ бўялган хондроид моддадан иборатлиги аниқланди. Ҳусусий пластинкадаги қон томирлар нисбатан кўп сонли ва аксарияти кенгайганлиги, қон билан тўлганлиги, натижада девори олдинги даврга нисбатан қалинлашганлиги топилди. Мушак тутамлари икки ва уч қаватли тутамлар ташкил қилганлиги, айrim жойларида кўп қаватдан иборатлиги кузатилди. Ўпка бўлаклари ичи бронхиолалар шиллик пардасида бурмалари деярлик йўқолганлиги, айrim жойларида кичик ва яссиланган эпителийдан иборат майдада бўлаклар

сақланиб қолганлиги кузатилди. Қопловчи эпителийси олдинги даврларга қараганда йириклишиб, цилиндирсимон шаклга кирганлиги ва цитоплазмаси кенгайиб, юзасида шилимшиқли модда мавжудлиги аниқланди (3-расм). Тадқиқотнинг навбатдаги қисмида, яъни чақалоқларнинг 12 ойлик даврида терминал бронхиола деворидаги бириктирувчи тўқима толали тузилмаларини гистокимёвий усулда текшириш шуни кўрсатдики, қопловчи эпителийдан кейинги ташқи қавати атрофидаги альвеоляр тўқимага туташиб кетган ҳолда нисбатан кўпайгани ва зич ҳолда жойлашган пикрофуксин билан мусбат бўялган толалардан иборатлиги аниқланди. Ушбу бириктирувчи тўқима толали тузилмалари бронхиола атрофидаги қон томирлар томонига келиб нисбатан қалинлашгани ва қон томир девори бириктирувчи тўқима толалари билан қўшилиб кетганлиги аниқланди (4-расм).





4-расм. Бўлакчаичи бронхиола, 6 ойлик давр. Хусусий пластинка(1) ва шиллиқ ости қаватда(2) толалар миқдори кўпайган. Бўёқ: ван-Гизон усули. Кат: 10x40.

Юқори нафас тизими бир қатор найлар қўринишидаги қисмлардан иборат бўлганилиги учун, улардаги эрта постнатал даврда такомил топиб, шаклланиб боришида ривожланадиган структур ўзгаришлар юқори нафас йўлларининг барча қисмида деярлик бир хил даражада амалга ошганлигини инобатга олиб, морфометрик текширувларни нафас йўлларининг бир қисмида, яъни ўпка бўлаклари бош бронхларида ўтказишни олдимизга мақсад қилиб олдик.

Биз ушбу тадқиқотда бўлак бронхи деворида постнатал давр динамикасида юз берадиган структур ўзгаришларни бир ёшдаги даврни морфометрик текширувдан ўтказдик. Бронх беворидаги қуйидаги тўқима тузилмаларига тўғри келган нуқталар саналди:

Рқэ – қопловчи эпителий;

Рхп - хусусий пластинка;

Рмқ – мушак қават;

Ршб – шиллиқ безлар;

Рtx – тоғай халқалар.

12 ойлик постнатал давр

| n - 8 | Структур тузилмалар бўйича нуқталар сони | | | | | Жами |
|--------|--|----------|----------|----------|--------|------|
| | Рқэ | Рхп | Рмқ | Ршб | Рtx | |
| 1 | 16 | 24 | 29 | 73 | 58 | |
| 2 | 17 | 23 | 26 | 75 | 57 | |
| 3 | 16 | 25 | 28 | 72 | 59 | |
| 4 | 18 | 22 | 31 | 73 | 58 | |
| 5 | 15 | 24 | 27 | 69 | 60 | |
| 6 | 16 | 21 | 32 | 76 | 56 | |
| 7 | 18 | 26 | 29 | 74 | 57 | |
| 8 | 15 | 24 | 32 | 73 | 59 | |
| | 131 | 189 | 234 | 582 | 464 | 1600 |
| M±m(ε) | 8,2±1,4 | 11,8±1,6 | 14,6±1,5 | 36,4±2,4 | 29±2,2 | |

$$V_{\text{кэ}} = P_{\text{кэ}} / P \times 100 = 131 / 1600 \times 100 = 8,2; \quad \epsilon = 2,0 \times \sqrt{8,2(100-8,2)} / 1600 = 1,4 \quad (P < 0,01)$$

$$V_{\text{хп}} = P_{\text{хп}} / P \times 100 = 189 / 1600 \times 100 = 11,8; \quad \epsilon = 2,0 \times \sqrt{11,8(100-11,8)} / 1600 = 1,6 \quad (P < 0,05)$$

$$V_{\text{мқ}} = P_{\text{мқ}} / P \times 100 = 234 / 1600 \times 100 = 14,6 \quad \epsilon = 2,0 \times \sqrt{14,6(100-14,6)} / 1600 = 1,5 \quad (P < 0,05)$$

$$V_{\text{шб}} = P_{\text{шб}} / P \times 100 = 582 / 1600 \times 100 = 36,4; \quad \epsilon = 2,0 \times \sqrt{36,4(100-36,4)} / 1600 = 2,4 \quad (P < 0,05)$$

$$V_{\text{tx}} = P_{\text{tx}} / P \times 100 = 464 / 1600 \times 100 = 29,0; \quad \epsilon = 2,0 \times \sqrt{29,0(100-29,0)} / 1600 = 2,2 \quad (P < 0,05)$$

Хуносалар: Нафас йўлларидағи хиққилдоқдан кейин бронхлар дарахти бошланади ва у альвеолаларгача бўлган

масофада 23 марта тармоқланиб, бронхлар дарахтининг шоҳларини пайдо қиласди. Бронхлар дарахти



инсонда маҳсус вентиляция тизими бўлиб, ўпкага етгунча кичиклашиб, торайиб боради ва респиратор бронхиолалар альвеолаларга туташади. Ушбу дарахтга ўхшаш тузилмаларнинг

бундай даражада торайиб бориши нафас олишда хавонинг альвеолаларга осон ва тўлиқ ҳолда этиб боришини таъминлайди.

References:

1. Сатвалдиев Р.Х, Ешниязов Д.Д, "Ўзбекистон статистика ахборотномаси" илмий электрон журнали. 2019 йил, 2-сон.
2. Султонов.Р.К, Содиқова.З.Ш, Арсенова.М.А, Бобоёров.С.У. Morphological and Morphometric Indications of Trachea and Bronchial Walls in One-Month-Old Babies. // American Journal of Medicine and Medical Sciences 2022, 12(8): P-811-814 .(14.00.00; №2).
3. Treutlein B, Brownfield DG, Wu AR, Neff NF, Mantalas GL, Espinoza FH, Desai TJ, Krasnow MA, Quake SR. Reconstructing lineage hierarchies of the distal lung epithelium using single-cell RNA-seq. //Nature. 2014 May 15;509(7500):371.
4. Тронина Д.А., Цой Е.Г. Ранние диагностические критерии бронхолегочной дисплазии у недоношенных новорожденных // В сборнике: Кузбасс: образование, наука, инновации. материалы Инновационного конвента. Департамент молодежной политики и спорта Кемеровской области, Кузбасский технопарк, Совет молодых ученых Кузбасса. 20355-357.
5. Студеникина, Т. М. Эмбриогенез и раннее постнатальное развитие тканей и органов человека : учеб.-метод. пособие. – Минск : БГМУ, 2020. – 52 с.
6. Cindy T. McEvoy, MD, MCR, Eliot R. Spindel, MD, PhD. "Pulmonary Effects of Maternal Smoking on the Fetus and Child: Effects on Lung Development, Respiratory Morbidities, and Life Long Lung Health". Paediatr Respir Rev. 2017 January 21.
7. Insa Korten, Kathryn Ramsey, Philipp Latzin. Air pollution during pregnancy and lung development in the child. Paediatric Respiratory Reviews 21 (2017) 38–46.
8. Клочкова С.В., Акматов Т.А., Алексеева Н.Т., Никитюк Д.Б. Бронхиальные железы: возрастные, регионарные и индивидуальные особенности строения. // Журнал анатомии и гистопатологии. 2021;10(3):47-52.